

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 550-ҳадис

58- _____

58-Боб

Тиланчилик ва тамагирлик бўлмаса, берилган нарсани олиш жоизлиги ҳақида

550 - _____

«_____ :_____ :_____ «_____».

1. 550. Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар оталари Абдуллоҳ ибн Умардан, Абдуллоҳ ибн Умар эса оталари Умар розияллоҳу анҳудан қилган ривоятларида:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга ато бериб турар эдилар. Мен: «Буни мендан кўра камбағалроқ кишига беринг», дер эдим. Шунда у зот: **«Буни олавер. Ўзинг кўз тикмаган ва сўрамаган ҳолда бу молдан сенга нима келса, уни олгин. Буни олгин-да, ўз молингга қўш, агар хоҳласанг егин, агар хоҳласанг садақа қилиб юбор. Акс ҳолда унга кўнгил боғлама»**, дебдилар».

Солим айтади: «Ибн Умар ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамас эди, аммо бирор нарса берилса, қайтармас ҳам эди».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI